


ORIENTAL JOURNAL OF TECHNOLOGY AND ENGINEERING

BEST PRACTICES IN THE FORMATION OF COMPETITION IN THE ENERGY MARKET OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE ABANDONMENT OF MONOPOLIES

Ikhtiyor B. Koziev
 Head of the Department
 Ministry of Energy
 Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: solar energy, wind energy, economic problems, energy companies, capacity.

Received: 23.06.22

Accepted: 25.06.22

Published: 27.06.22

Abstract: This article discusses the formation of competition in the energy market of the Republic of Uzbekistan, as well as best practices in the abandonment of monopolies. Today, the provision of energy resources to consumers is one of the most important issues for any state. For the development of the new Uzbekistan, the issue of energy supply for the economic stability of the country remains the most important and topical.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИДА РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА МОНОПОЛИЯДАН ВОЗ КЕЧИШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Ихтиёр Б. Кўзиев
 Бошқарма бошлиғи
 Энергетика вазирлиги
 Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қуёш энергиясини, шамол энергияси, иқтисодий муаммоларни, энергетика корхоналари, қувватлар ҳажми.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон республикасининг энергетика бозорида рақобатни шакллантириш ҳақида сўз юритади ҳамда монополиядан воз кечишда илғор тажрибалари тўғрисида муҳокама қилади. Бугунги кунда истеъмоячиларни энергия ресурслари билан таъминлаш ҳар қандай давлат учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти учун, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги учун энергия ресурслари таъминоти

ПЕРЕДОВОЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНЦИИ НА ЭНЕРГЕТИЧЕСКОМ РЫНКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ОТКАЗ ОТ МОНОПОЛИЙ

Ихтиёр Б. Козиев

Начальник управления

Министерства энергетики

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: солнечная энергетика, ветровая энергетика, экономические проблемы, энергетические компании, мощность.	Аннотация: В данной статье рассматривается формирование конкуренции на энергетическом рынке Республики Узбекистан, а также передовой опыт отказа от монополий. На сегодняшний день обеспечение потребителей энергоресурсами является одним из важнейших вопросов для любого государства. Для развития нового Узбекистана вопрос энергообеспечения для экономической стабильности страны остается самым важным и актуальным.
---	---

КИРИШ

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ва энг йирик табиий газ ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ўзининг географик жойлашуви туфайли қайта тикланадиган энергия соҳасида катта имкониятларга эга. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг энергетика сиёсати миллий энергетика тармоғининг салоҳиятидан ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фойдаланишга қаратилган.

Шу муносабат билан, **2030 йилга** бориб мамлакатнинг ишлаб чиқариш қувватларини 12,9 ГВт дан **29,3 ГВт** га, электр энергияси ишлаб чиқаришни эса 63,6 миллиард кВт/соатдан 120,8 кВт/соатга ошириш ҳамда **қуёш энергиясини 5 ГВт га, шамол энергиясини эса 3 ГВт га** ошириш орқали қайта тикланадиган энергия қувватини ошириш режалаштирмоқда. Ўсиш натижасида қайта тикланадиган манбалар Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган барча энергиянинг **30 фоизини** ташкил қилади.

Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистон энергетика соҳасида ҳам муайян ислохотлар амалга оширилди ва ишлаб чиқариш қувватлари жорий этилди. Хусусан, сўнгги 5 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича яратилган янги қувватлар ҳажми **5 000 мегаваттдан** ошиб, олдинги 25 йилга нисбатан **1,5 баробар** ортиқ қувватни ташкил қилади.

Ўз навбатида, кучли энергетика сиёсати миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун асос яратади. Бироқ, соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этмасдан туриб, улкан энергетика инфратузилмасини иш ҳолатида сақлаб туриш ва энергия ресурслари ишлаб чиқарилишини ошириш мумкин эмас.

2019-2022 йиллар оралиғида энергетика соҳасига оид **41 та** Президент Фармони ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **37 та** ҳужжатлари қабул қилинди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги ПФ-60-сон Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур Фармонга мувофиқ энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, барча иштирокчиларга тенг имкониятлар бериш ва нархларни шакллантиришнинг шаффоф механизмларини жорий қилиш мақсадида электр энергетика ва нефть-газ соҳасида **монополияни бекор қилиш ҳамда соҳага бозор механизмларини** жорий этиш белгиланган.

Энергетика соҳасининг бозор қонунлари асосида ривожланиши рақобат учун шароит яратади, бу эса лойиҳаларни амалга оширишда инвесторларни жалб қилиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, энергетика соҳасида ислохотлар ҳамда бозор механизмларини жорий этиш 2019 йилда бошланган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур ислохотлар ўз самараси бермокда. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон электр энергетикаси уч қисмга бўлинган: ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари ва электр станцияларини бошқариш **“Иссиқлик электр станциялари” АЖ** томонидан амалга оширилади. Худудий магистраль электр тармоқларини ўз ичига олган **“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ** электр узатиш тизимининг оператори ҳисобланади. Шунингдек, республика бўйича якуний истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва етказиб бериш **“Худудий электр тармоқлари” АЖ** томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Худди шу йилда нефть-газ соҳасида ҳам функцияларни тақсимлаш принципи асосида иш тутилди ва натижада **“Ўзбекнефтгаз”, “Ўзтрансгаз”** ва **“Худудгазтаъминот”** акциядорлик жамиятлари таъсис этилди. **“Ўзбекнефтгаз” АЖ** нефть, табиий газ ва газ конденсатини қазиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек, бутун мамлакат бўйлаб нефть маҳсулотларини сотиш билан шуғулланса, **“Ўзтрансгаз” АЖ** табиий газни ташиш, сақлаш ва экспорт қилиш учун жавобгардир. Худудларга табиий газни тақсимлаш ва етказиб бериш эса **“Худудгазтаъминот” АЖ** томонидан амалга оширилади.

Навбатдаги босқичда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖдан электр энергиясини “ягона харид қилувчи” функциясини ажратиш, “Худудий электр тармоқлари” АЖга хусусий операторларни жалб қилиш бўйича асосий талабларни белгилаш, “Ўзтрансгаз” АЖни фақат газни транспортировка қилиш билан шуғулланувчи компанияга айлантириш ҳамда “Худудгазтаъминот” АЖ фаолияти йўналишларига хусусий операторларни жалб қилиш бўйича асосий талабларни белгилаш назарда тутилган.

Юқорида санаб ўтилган барча ташкилотларда давлат улуши юқорида бўлганлиги сабабли, ҳозирги кунда мазкур ташкилотларда трансформация жараёнлари олиб борилмоқда.

Ўз навбатида эса энергетика соҳасида монополиядан воз кечиш ва эркин рақобатни жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда ҳамда барча иштирокчилар учун рақобатбардош энергия бозорини ташкил этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

энергетика тармоғига маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда бошқарувнинг давлат монополия тизимини рад этиш;

рақобатбардош бозорни яратиш учун тегишли қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

энергетика корхоналарининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини белгилаш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш бўйича тартибга солинадиган тарифларни қайта кўриб чиқиш.

Ҳозирги кунда эса халқаро мутахассислар ва хорижий ташкилотлар иштирокида янги таҳрирдаги “**Электр энергетикаси тўғрисида**”ги ҳамда “**Табиий газ тўғрисида**”ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқиляётган бўлиб, уларда ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда энергетика соҳасини эркин бозор иқтисодиётига ўтказиш механизмлари ўз аксини топиши назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, ХХI асрнинг бошларида бир қатор давлатларда энергия бозори қоидалари ўзгартирилди. Масалан, **Буюк Британияда** Газ ва электр энергияси бозори офиси (**Office of Gas and Electricity Markets - Ofgem**) мустақил энергия регулятор сифатида ташкил этилиб, у энергия истеъмолчиларини, айниқса заиф аҳоли қатламини энергия ресурслар билан таъминлашни асосий вазифаси деб билади.

Бундан ташқари, **Туркияда** энергетика соҳасидаги бозор ислохотлари 2001 йилда “Табиий газ бозори тўғрисида”ги қонун (Табиий газ бозори тўғрисидаги қонун ва электр энергияси бозори тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш)ни қабул қилиш орқали

бошлаб берилди. Мамлакатда энергетика соҳасида давлат бошқаруви моделидан воз кечилди ҳамда электр энергияси ва табиий газ тақсимооти хусусийлаштирилди.

Якунда эса, мазкур давлатлар энергетика соҳасида инвестицияларни жалб қилиш орқали монополиядан воз кечдилар ва минглаб янги иш ўринлари яратдилар.

Мисол учун, 2018 йил давомида Буюк Британиянинг энергетика соҳасига **13 миллиард** фунт стерлинг инвестиция киритилган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич **15,0 миллиард** фунт стерлингни ташкил этди.

Юртимизда ҳам энергетика соҳасига хорижий инвесторларни жалб этиш орқали янги технологияларни жорий этиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ўтган уч йилда Ўзбекистонда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати **7 млрд доллар** бўлган **19 та** битим имзоланди. Жумладан, “Total Eren SA” (Франция), “Abu Dhabi Future Energy Company – Masdar” (БАА), “Akse Enerji Üretim A.Ş.” (Туркия), “ACWA Power” (Саудия Арабистони) компаниялари ва бошқалар хорижий компаниялар билан мамлакатимизда энергия ишлаб чиқариши билан боғлиқ битимлар имзоланди. Бу эса хорижий компанияларнинг Ўзбекистоннинг энергетика бозорига катта қизиқиш уйғотаётганлигининг яна бир исботи ҳисобланади.

2021 йили мамлатимиз тарихида биринчи бор **Навоий вилоятида** **йирик қуёш фотоэлектр станцияси** ишга туширилди. Биргина 2022 йилнинг ўтган уч ойида (январь-март) юртимизнинг **3 та** вилоятида **5 та** янги электр станцияси ишга туширилди ва йил якунига қадар яна иккита электр станциясини ишга тушириш режалаштирилган. Бу эса юртимиз равнақидаги олтин ҳарфлар билан битилажак саҳифалардан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, энергетика соҳасида эркин бозор иқтисодиётига йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашга хизмат қилади ҳамда мамлакат иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига улкан туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саидов, М. С. (2022). ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲСИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Ta'lim fidoyilari*, 22(7), 192-196.
2. ogli Odilov, B. A., & Karimov, N. R. (2020). Analysis of Targeted Research in 20-30 Years of the XX Century. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8887-8893.
3. Жалилов, Ш. Қ. (2021). Ўзбекистон ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари хусусида. *Science and Education*, 2(5), 1027-1035.

4. Odilov, B., & Karimov, N. Archaeological Research is an Important Source in the Study of Traditional Economic Activities of the Uzbek People (On the Example of Some Researchers of the Twentieth Century).

5. Саидов, М. (2021). ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. *Экономика и образование*, (6), 44-53.

6. Bobir, O. (2019). Study of traditional irrigation system in Uzbekistan (In the exemple of the investigations of the second half of XIX century and XX century). *Scientific Journal*, 2(12), 85-95.